

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2024 йил ноябрь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Қарши туман суди, Қарши туман “Ўзбекистон мустақиллиги” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Б.Умировнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Чуллиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қарши туман прокурорининг ёрдамчиси У.Эркинов, гумон қилинувчи З.Хусанов ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Махманазаров, жабрланувчи Ҳ.Ибодов, И.Турсунов, Х.Чаманова ва С.Руйидинов ҳамда унинг қонуний вакили Х.Холмуродовнинг иштирокида,

Хусанов Зойир Пардаевич, 30.03.1977 йилда Қарши туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, уч нафар фарзандлари бор, судланмаган, маълумоти ўрта-махсус, мавсумий ишчи, Қарши тумани “Дашт” МФЙ, Дашт қишлоғида яшайди, ярашув қарорини нусхасини 2024 йил 06 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айблашга оид 1-1802-2402/214-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Хусанов Зойир Пардаевич 2024 йил 27 июль куни соат 10:00ларда ўзининг бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли 70Н400РА давлат рақамли автомашинаси билан А-380-А автомобил йўлининг Қарши тумани, “Тахтапул” МФЙ ҳудудидан ўтган қисмидан ҳаракатланиб келиб, амалдаги “Йўл ҳаракати” қоидаларининг 77-банди талабларини қўпол равишда бузиб, унга кўра ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серкатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ва ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак”лиги кўрсатилган бўлса-да, мазкур қоидаларга риоя қилмасдан ҳаракатланиб, Қарши тумани, “Кат” МФЙ ҳудуди томондан “Тахтапул” МФЙ томонга ҳаракатланиб бораётган Қарши тумани, “Тахтапул” МФЙ, Бобур кўчасида яшовчи фуқаро Иботов Хошим Тураевич бошқаувида бўлган “Лада” русумли 70В597ЕВ давлат рақамли автомашинаси билан тўқнашиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган.

Оқибатда, “Ласетти” русумли 70Н400РА давлат рақамли автомашина ҳамда “Лада” русумли 70В597БВ давлат рақамли автомашиналарининг саломида бўлган йўловчилар И.Турсунов, Х.Чаманова, С.Рўйидинов, Х.Ибодов, З.Хусановлар оғир тан шикасти олиб шифохонага тушишган.

РСТЭИАМ ҚФнинг 30.08.2024 йилдаги 192-50-сонли хулосасида, И.Турсуновнинг танасида “Чап болдир суякларини ўрта учлигидан очиқ синиб силжиши ва шу соҳада эзилиб йиртилган яраси, кўкрак қафаси аъзоларининг



ёпиқ шикастланиши, иккала ўпкани лат йейиши, пневмомедиастинум, чап курак суягини ёпиқ синиши, ёпиқ калла мия шикастланиши, бош мияни лат йейиши енгил даражаси, чап кулоқ супраси ва кулоқ орқа соҳасида эзилиб, ифлосланган йиртилган яраси, юзида ва танада кўп сонли юзаки эзилган ва шилинган жароҳатлар, чап билак соҳасида ва чап бел ва ўнг бел соҳасида шилинмалар” кўринишидаги жароҳатлар аниқланган бўлиб, ушбу жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича меҳнат қобилиятини салмоқли қисмининг яъни учдан биридан кўпроғини турғун йўқотилишига олиб келган оғир тан шикасти гуруҳига киритилиши кўрсатилган.

РСТЭИАМ ҚФнинг 30.08.2024 йилдаги 191-49-сонли хулосасида, Х.Чамановнинг танасида “Кўкрак қафаси аъзолари ёпиқ шикастланиши, ўнгдан 1-2-3-4 қовурғаларнинг култиқ ости ўрта чизиклари бўйлаб ёпиқ синиши, ўнг умров суягини ўрта қисмидан бўлакраниб синиб силжиши, ўнг ўпкани лат йейиши, бош мияни чайқалиши, пешона ўнг томонида ўнг кўз ковок соҳасида шилинган жароҳатлар” кўринишидаги жароҳатлар аниқланган бўлиб, ушбу жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича соғлиқни узоқ вақт яъни 21-кундан кўп вақтга бузилишига сабаб бўлган ўртача оғир тан шикасти гуруҳига киритилиши кўрсатилган.

РСТЭИАМ ҚФнинг 30.08.2024 йилдаги 193-51-сонли хулосасида, С.Рўйдиновнинг танасида, “Очиқ калла мия шикасти, бош мияни ўрта оғир даражада лат йейиши, пневмоцефалия, юз соҳаси суяқларининг мия асосига ўтиб синиши, чап чакка соҳасида тери ости гематомаси, кўз олмаси контузияси, бошни чап пешона-чакка соҳасида урилиб йиртилган жароҳати, бош, юз соҳаси, танаси, қўл ва оёқларида юмшоқ тўқималари лат йейиши, ўнг оёқ болдир суяқларининг ўрта қисмидан ёпиқ синиб силжиши” кўринишидаги жароҳатлар аниқланган бўлиб, ушбу жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича ҳаёт учун хавfli бўлган оғир тан шикасти гуруҳига киритилиши кўрсатилган.

РСТЭИАМ ҚФнинг 10.09.2024 йилдаги 2466/1-сонли хулосасида, Х.Ибодовнинг танасида, “Бел умуртқасининг ёпиқ шикастланиши, L2, L3,L4 бел умуртқаларининг ўнг томондан кўндаланг ўсимталарини ёпиқ силжиб синиши, бел соҳаси юмшоқ тўқималарини лат йейиши, ўнг болдирни юқори ташқи юзасида, чап оёқ кафти устида чапдан қоринни олдинги деворида шилинмалар кўринишидаги жароҳатлар аниқланган бўлиб, ушбу жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича соғлиқни узоқ вақт яъни 21 кундан кўп вақтга бузилишига сабаб бўлган ўртача оғир тан шикасти гуруҳига киритилиши кўрсатилган.

Мазкур жиноят иши тарафларнинг дастлабки тергов давомида ярашганликлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 584-моддаси тартибда судда кўриб чиқиш учун юборилган.



Жабрланувчи Ҳ.Ибодов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Хусанов Зойир Пардаевичга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи И.Турсунов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Хусанов Зойир Пардаевичга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Х.Чаманова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Хусанов Зойир Пардаевичга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи С.Руйидиновнинг қонуний вакили Х.Холмуродов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Хусанов Зойир Пардаевичга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи З.Хусанов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчиларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчилар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчилар ва гумон қилинувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, тарафларнинг фикрини эшитиб, гумон қилинувчи Хусанов Зойир Пардаевичнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарларнинг тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчилар ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув тарафларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят



ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Хусанов Зойир Пардаевичга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Ҳ.Ибодов, И.Турсунов, Х.Чаманова ва С.Руйидинов ҳамда унинг қонуний вакили Х.Холмуродовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотишлари тушунтирилганлигини қайд этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисим, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи Хусанов Зойир Пардаевичга нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчилар ва гумон қилинувчига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқотилиши тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ажрим нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Умиров

Ажрим аслига тўғри.

